

Ҳожиларга бир миллион дона сим-карта ва бепул интернетдан фойдаланиш таклиф этилади



10:35 / 19.07.2019 1706

Бу йилги ҳаж мавсумида Саудия Арабистони ҳожиларга тухфа тариқасида 1 миллион сим-карта ва бепул интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Бу ҳақда Arabnews хабар берди.

Маълум бўлишича, ушбу лойиҳа ҳожиларга хизмат кўрсатиш дастурининг бир қисми бўлиб, уларга ҳаж мавсумини хотиржам ўтказишлари учун оила аъзолари ва яқинлари билан алоқада бўлиш имконини беради. Ҳаж мавсуми давомида махсус гуруҳ ушбу фаолият билан шуғулланади.

Islom uz.портали таҳририяти